

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

«4» декабрь 2020 yil

№ 747-sonli

Navbahor shaharchasi

Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг навбатдан ташқари ўн еттинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

I. Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг навбатдан ташқари ўн еттинчи сессияси 2020 йилнинг 11 декабрь куни соат **14:00** да туман ҳокимлиги катта мажлислар залига чақирилсин.

II. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Фурқат тумани ҳокими Д.Солиевнинг 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига ҳамда келгуси йилги режаларига бағишланган Мурожаати тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизими устидан парламент назоратини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги 528-IV/КҚ-145-IV-сон Қўшма қарори билан тасдиқланган Тартибга асосан, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш натижалари ҳамда бу борада худуд даражасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар.

3. Халқ депутатлари туман Кенгашининг “Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича” доимий комиссияси раиси Т.Худойбердиевнинг “Қўқон сара чорваси” фермер хўжалиги фаолияти ахволи юзасидан ахбороти тўғрисида.

4. 24-Ўртақўрғон сайлов округи бўйича бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Фурқат туман Кенгаши депутати сайловини тайинлаш тўғрисида.

5. Бошқа масалалар.

III. Сессияга туман сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлиги гуруҳ, бўлим раҳбарлари, тегишли ташкилот раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилсин.

Туман ҳокими:



Д.Солиев